

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЯКУБОВ МУЗАФФАР МАТЯКУБОВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИ УРУҒЛАРИНИНГ ГЕНЕТИК,
НАВ ВА ЭКИШ СИФАТЛАРИНИ БАҲОЛАШДА УРУҒ НАЗОРАТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Якубов Музаффар Матякубович

Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг
генетик, нав ва экиш сифатларини баҳолашда
уруғ назоратини такомиллаштириш..... 3

Якубов Музаффар Матякубович

Совершенствование семенного контроля
по оценке генетических, сортовых
и посевных качеств семян сельскохозяйственных культур..... 21

Yakubov Muzaffar Matyakubovich

Perfection of seed control on the estimation
of genetic, varietal and sowing qualities
of agricultural crops 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМЙ ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЯКУБОВ МУЗАФФАР МАТЯКУБОВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИ УРУҒЛАРИНИНГ ГЕНЕТИК,
НАВ ВА ЭКИШ СИФАТЛАРИНИ БАҲОЛАШДА УРУҒ НАЗОРАТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Qx813 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рашидова Дилбар Каримовна
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Намазов Шадман Эргашович
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Бабоев Саидмурат Кимсанбаевич
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жанубий дехқончилик илмий тадқиқот институти

Фалсафа доктори (PhD) диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети хузуридаги DSc.05/04.03.2022.қх.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг «20» 12 2023 йил соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани Университет кўчаси 2-уй. Тел: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; E-mail: tung-info@edu.uz Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 549452 - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани Университет кўчаси 2-уй, Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2023 йил «04» 12 да тарқатилди.
(2023 йил « » даги рақамли реестр баённомаси).



Г.Р.Холмуродова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

Ф.Н.Тореев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., доцент.

Ф.Б.Намозов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё пахтачилигида сифатли уруғлик чигит экспортга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда ва умумий етиштириладиган чигитнинг 15-20% уруғлик сифатида фойдаланилади. Жаҳонда 2021-2022 йилларда 43,8 млн. тонна уруғлик чигит етиштирилиб, 2020-2021 йилларга нисбатан 4,6% га ошган. Уруғлик чигит экспортининг асосий ҳажмини Туркия 25,34%, АҚШ 14,09%, Мьянма 13,31%, Исроил 10,18%, Австралия 8,4%, Нидерландия 4,23%, Ўзбекистон 4,01%, Ҳиндистон 3,93%, Греция 3,15% ташкил этади. Ўзбекистонда уруғлик чигит экспорти ҳажми 2020 - йилга нисбатан 2021 - йилда 223,83%га ошиб, уч йиллик (2018-2021 йй.) ўсиш 164,16%ни ташкил этган.¹ Қишлоқ хўжалигида юқори сифатли уруғлик чигит етиштириш ва экспорт салоҳиятини ошириш пахтачилик соҳасининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда АҚШ, Бразилия, Хитой, Ҳиндистон каби пахта етиштириладиган дунёнинг етакчи давлатларининг илмий-тадқиқот марказларидан олинган оригинал ва наводор уруғларни етиштириш ҳамда кўпайтиришда ички уруғ назорати тизими тўғридан-тўғри уруғчилик хўжаликларида амалга оширилиши сабабли нав тозалигининг юқори бўлишига эришилади. Бироқ кейинги авлодларда нав тозалигини сақлаб қолиш долзарб масалалардан биридир.

Республикамизда ички уруғ назорати тизимини жорий этиш асосида экиш сифати юқори, наводор уруғларни етиштириш, уруғлик материалларини тўғри танлаш ва нав тозалигини узоқ муддат сақлаш, шунингдек уруғлик материалларни экспорт қилиш орқали соҳани ривожлантиришнинг имкониятлари ошади. Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигига доир амалдаги стандартларга ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳамда халқаро ISTA талабларига мувофиқлаштириш, юқори сифатли наводор уруғлик материалларини етиштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 27-апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3683-сонли қарорида «...нав ва уруғлик назорати озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили эканлиги, уларни сақлаш ва қайта ишлаш шароитларига риоя этилиши устидан лозим даражада назоратнинг мавжуд эмаслиги сабабли уруғлик материал сифатининг пасайиши ва ҳосилдорликнинг тушишига олиб келиши, ички сифат назорати тизими ва инновацион технологияларни жорий этиш»² лозимлиги муҳим вазифалар сифатида белгилаб берилган. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг генетик, нав ва экиш сифатларини баҳолашда ички уруғ назорати тизимини жорий этиш, ҳамда уруғлик

¹ <https://www.tridge.com/intelligences/cotton-seed/export>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 27-апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3683-сонли қарори

сифатини баҳолаш бўйича амалдаги стандартларни такомиллаштириш долзарб бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Уруғчилик тўғрисида”ги, “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 27-апрелдаги ПҚ-3683-сон “Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги, 2022-йил 28-январдаги ПҚ-106-сон “Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора тadbирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳада қабул қилинган бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалиги экинларининг ички уруғ назоратини такомиллаштириш, генетик, нав ва экиш сифатларини баҳолаш бўйича чет эл олимлари R.L.Benech-Arnold, J.Hu, Van J.Eysden, C.F.Quiros, L.Kahre, F.Nobbe, K.Petersen, J.Welsh, J.G.K.Whilliams, A.R.Kubelik, K.J.Livak, I.Wiesner, D.Wiesnerova, уруғшунослик, уруғлик етиштириш, уларнинг морфологик ва биологик хусусиятлари, генетик сифат кўрсаткичларини ўрганиш ҳамда сақлаш борасида МДХ олимлари Т.Б.Бессонов, Г.П.Бортников, В.Т.Васков, Л.В.Велский, Л.Н.Боршчов, Л.В.Чхутиашвили, С.В.Чеботар, Е.К.Хлесткина, шунингдек, республикамизда Ш.Юнусханов, С.К.Бабаев, И.Дж.Курбанбаев, Х.Рахимов, Л.С.Руденко, С.Рахмонкулов, Ш.С.Козубаев, А.А.Наримонов, Д.К.Рашидова, Б.И.Мамарахимов, Ш.Б.Амантурдиев, Ш.Т.Шарипов ва бошқалар томонидан назарий ва амалий тадқиқотлар олиб борилган.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғлик сифатларини халқаро бозор талабларига мувофиқ таҳлил қилиш ва ички уруғ назорати тизимини такомиллаштириш бўйича меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишга доир тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари дастуридаги И-КХ-2017-5-17 «Ёўза уруғлик чигитининг сифатини аниқлаш бўйича стандартларга қўшимча ўзгартириш киритиш учун меъерий талабларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш» (2017-2018 йй.), И-КХ-2019-17 «Халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг нав, генетик ва экиш сифатларини баҳолаш учун ички уруғ назорат хизматларини шакллантиришнинг инновацион

тизимини яратиш ва жорий этиш» (2019-2021 йй.) инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг генетик, нав ва экиш сифатларини баҳолашнинг ички уруғ назорати тизимини такомиллаштириш ва халқаро бозор талабларига мувофиқ уруғлик сифатини аниқлаш бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

лаборатория шароитида уруғлик чигитнинг сифат кўрсаткичлари ва қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг намлигини аниқлаш усулларини баҳолаш ҳамда такомиллаштириш;

уруғлик ашёларининг генетик тозалигини электрофорез усулида аниқлаш;

биринчи йилги уруғлик кўчатзоридagi оилаларда ўсимликларнинг маҳсулдорлиги бўйича танлаш самарадорлигини аниқлаш;

элита уруғчилик хўжаликларида ички уруғ назорати тизимини жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси давлат реестрига киритилган ғўзанинг “Андижон-36”, “Ан-Боёвут-2”, “Бухоро-102”, кузги юмшоқ буғдойнинг “Оқсув”, “Бобур”, “Ғозғон”, “Краснодар-99”, “Дурдона”, “Дўстлик”, “Паҳлавон”, “Бардош” ва “Эъзоз” ҳамда маккажўхорининг “Ўзбекистон-601” ва соянинг “Селекта-302” навларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш усулларини такомиллаштириш, нав тозалиги ва генетик ирсиятини баҳолаш, навларнинг нав тозалиги ва уруғларнинг сифат кўрсаткичларини сақлаб қолиш самарадорлиги ҳамда қимматли хўжалик белгиларининг ўзаро корреляция таҳлиллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий изланишлар “Элита уруғчилик хўжаликларида давлат реестрига киритилган ғўза навларининг юқори авлодли уруғлигини етиштириш”га оид услубий қўлланма асосида, тадқиқотларда уруғлик сифатини аниқлаш бўйича О’зДSt 663:2017 “Уруғлик чигит. Техникавий шартлар”, О’зДSt 1080:2013 “Уруғлик пахта ва уруғлик чигит. Намуна танлаб олиш усуллари”, О’зДSt 1128:2017 “Уруғлик чигит. Унувчанликни аниқлаш усуллари”, О’зДSt 2823:2014 Семена сельскохозяйственных культур. Сортовые и посевные качества ва халқаро ISTA ташкилоти тавсия этган “Уруғларни таҳлил қилиш усуллари”дан, захира глиадин оксилларни электрофоретик таҳлил қилиш Е.В.Метаковский таҳрирлаган W.Bushuk, R.Zillman усулида, ғўзанинг сувда эрувчи оксилларини ажратиш ва электрофоретик таҳлил қилиш Ш.Юнусханов (1973) усули бўйича, тадқиқот ишларининг апробацияси ЎзРҚХВ томонидан 2017-йилда тасдиқланган қўлланмага мувофиқ, олинган натижалар Б.А.Доспехов услубида статистик таҳлил қилинган, ҳосилдорлик Stat View

(www.statview.com, SAS Institute Inc) дастурида ва дисперсия таҳлили ANOVA (Analysis variance) усули ёрдамида аниқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ғўза навлари уруғлик сифатини аниқлаш бўйича халқаро қоидаларга мувофиқ уруғлик чигит ифлосланганлиги, туксиз чигитларда тук қолдиғи, тукли чигитларда тола қолдиғи ва куйганликни ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари уруғларининг намлигини аниқлаш усуллари такомиллаштирилган;

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг намлигини аниқлашнинг амалдаги бир босқичли усулига нисбатан икки босқичли усули ишончли таҳлил қилиш имкониятини бериши исботланган;

буғдой ва ғўзада уруғлик партиялари бўйича навдорлигини аниқлашда глиадин (буғдой) ва албумин (ғўза) оксилларининг электрофоретик таҳлил қилиш самарали усул эканлиги аниқланган;

захира оксиллари электрофоретик таҳлили бўйича ғўзанинг Бухоро-102 нави гомоген, Андижон-36 нави гетероген, буғдойнинг Краснодар-99, Дўстлик, Паҳлавон, Бардош ва Эъзоз навлари гомоген, Дурдона нави гетероген эканлиги аниқланган;

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини етиштиришда ички уруғ назорат тизимининг жорий этилиши уруғларнинг генетик, нав, экиш сифатларини ошириш ва нав софлигини сақлаш имконини бериши исботланган;

ғўзанинг қимматли хўжалик белгилари - умумий кўсақлар сони, очилган кўсақлар сони, бир дона кўсак вазни ва 1000 дона чигит вазни билан ўсимлик маҳсулдорлиги орасида ижобий коррелятив боғланиш аниқланган ва шу асосида ўсимликларни танлаб олиш самарадорлиги илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғ ва нав сифатини аниқлаш бўйича меъёрий хужжатлар халқаро қоидаларга мувофиқ такомиллаштирилиб, уруғлик чигитнинг ифлосланганлиги, туксиз чигитда тук қолдиғини аниқлаш, тола қолдиғини аниқлаш, уруғлик чигитнинг куйганлиги ва қишлоқ хўжалик экинлари уруғларининг намлигини аниқлаш бўйича бешта давлат стандартлари ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган;

келиб чиқиши ва морфологик кўрсаткичлари бўйича яқин бўлган навларни идентификация қилишда ва уруғлик партияларни навдорлигини аниқлашда уруғдаги захира оксиллар электрофореграммасидан фойдаланиш яхши самара берган;

ички уруғ назорати тизимини жорий этиш орқали Андижон-36, Ан-Боёвут-2 ва Бухоро-102 навлари уруғларининг лаборатория унувчанлиги 1,0-4,0%, дала унувчанлиги 2,0-5,0% га, нав тозаллиги 1-2%, ҳосилдорлик мос равишда 4-5 ц/га, 3-4 ц/га ҳамда 3-4 ц/га ошганлиги аниқланган;

ички уруғ назорати тизимининг сифатли ўтказилиши натижасида хўжалик қимматли белгиларининг яхшиланиши ҳисобига, ҳар бир гектардан 3-6 миллион сўмгача иқтисодий самарадорликка эришилган;

“Қишлоқ хўжалиги экинларининг экиладиган уруғларини тайёрлаш ва ишлаб чиқаришга ғамлаш бўйича ички аудитни ўтказиш тартиби” тўғрисидаги Низом ва инспекция текширувларини ўтказиш регламенти ишлаб чиқилган ҳамда ишлаб чиқаришга тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғри қўйилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг мувофиқлиги, дала тажрибаларининг ҳар йили апробациядан ўтказилганлиги ва илмий тадқиқот ҳисоботларининг муҳокама қилинганлиги, олинган натижаларнинг маҳаллий ва хорижий олимлар тажрибалари билан таққосланганлиги, тадқиқот натижаларининг математик-статистик таҳлил қилинганлиги, Олий Аттестация Комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қишлоқ хўжалик экинлари уруғларининг экиш сифатларини аниқлаш бўйича амалий стандартлар халқаро меъёрлар талаблари асосида такомиллаштирилганлиги, қишлоқ хўжалик экинлари навларининг нав тозаллиги уруғларнинг захира оқсиллари асосида гомоген ва гетероген эканлиги электрофорез усули ёрдамида аниқланганлиги, уруғчилик фермер хўжаликлари элита кўчатзорларида навларни назорат қилиш, уруғлик сифатининг самарадорлигини ошириш имкониятлари аниқланганлиги, сифатли ўтказилган ички уруғ назорати натижасида уруғларнинг хўжалик қимматли белгиларининг яхшиланиши, нав белгиларининг маҳсулдорлик билан коррелятив боғланиш асосида ўсимликларни танлаб олиш мумкинлигининг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти йил давомида уруғлик фонди айланмаси бўйича ички уруғ назорати тизимини жорий этиш орқали элита уруғчилик фермер хўжаликларида ҳосилдорлик ва нав тозаллигининг юқори бўлганлиги, халқаро талабларга мос равишда ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларнинг жорий қилинганлиги ҳамда қишлоқ хўжалик экинларининг экиладиган уруғларини тайёрлаш ва ишлаб чиқаришга ғамлаш бўйича ички аудитни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тавсия этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг генетик, нав ва экиш сифатларини баҳолашда уруғ назоратини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

ички уруғ назорат тизими Жиззах вилояти Пахтакор тумани “Жавлонбек” элита фермер хўжалигида ғўзанинг Бухоро-102 нави 68,8 гектар ва буғдойнинг Дўстлик нави 74,0 гектар, Зафаробод тумани “Тоштемир ота” элита фермер хўжалигида ғўзанинг Ан-Баёвут-2 нави 68,0 гектар ва буғдойнинг Дурдона нави 68,0 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 27-январдаги 07/21-21-06/93-сон маълумотномаси). Натижада, ғўзада қўшимча Ан-Баёвут-2 нави бўйича ҳосилдорлик 3-4 ц/га (40,8 тонна), буғдойнинг Дўстлик ва Дурдона навларида

5-7 ц/га (85,23 тонна) ҳосил олиш имконини берган ҳамда ғўзада нав тозалиги 1-2% ва буғдойда 3-4% юқори бўлганлиги аниқланган;

Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани “Оқсув” элита фермер хўжалигида ғўзанинг Андижон-36 нави 72,0 гектар ва буғдойнинг Оқсув нави 60,0 гектар, Избоскан тумани “Избоскан юксалиш неъмат” элита фермер хўжалигида буғдойнинг Краснодар-99 нави 60,0 гектар майдонларига ички уруғ назорати тизими жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 27-январдаги 07/21-21-06/93-сон маълумотномаси). Натижада, ғўзанинг Андижон-36 нави бўйича нав тозалиги 1-2% ва буғдой навларида 3-4% га, ҳосилдорлик ғўзада 4-5 ц/га (28,8 тонна), буғдойда 7-8 ц/га (84 тонна) кўшимча маҳсулотлар олишга эришилган;

уруғлик сифатини аниқлаш бўйича, О‘з DSt 3498:2021 Уруғлик чигит. Ифлосланганлигини аниқлаш усули; О‘з DSt 3499:2021 Уруғлик чигит. Куйганликни аниқлаш усуллари; О‘з DSt 3500:2021 Уруғлик чигит. Тола қолдиғини аниқлаш усули; О‘з DSt 3501:2021 Қишлоқ хўжалик экинлари уруғлари. Намлигини аниқлаш усуллари; О‘з DSt 3502:2021 Уруғлик чигит. Туксиз чигитларда тук қолдиғини аниқлаш усули каби давлат стандартлар ҳамда “Қишлоқ хўжалиги экинларининг экиладиган уруғларини тайёрлаш ва ишлаб чиқаришга ғамлаш бўйича ички аудитни ўтказиш тартиби” тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилган ва уруғлик ашёларини қайта ишлаш ҳамда сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш корхоналарига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 27-январдаги 07/21-21-06/93-сон маълумотномаси). Натижада, уруғлик ашёларининг сифат кўрсаткичлари ортганлиги боис ҳосилдорликнинг юқори бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот иши Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ва Тошкент давлат аграр университети буйруғига асосан тузилган махсус комиссия томонидан ҳар йили апробациядан ўтказилиб, ижобий баҳоланган ва илмий тадқиқот ҳисоботлари муҳокама қилинган. Тадқиқот натижалари 9 та, жумладан 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган. Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш бўйича 5 та Давлат стандартлари (О‘з DSt) ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритиб берилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти келтирилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақидаги қисқача маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Юқори сифатли уруғларини етиштиришда ички уруғ назорат тизимининг тарихи ва нав тозалигини аниқлашнинг аҳамияти”** деб номланган биринчи бобида уруғларнинг нав ва экиш сифатлари назоратининг яратилиш тарихи ва аҳамияти, юқори сифатли уруғлар етиштириш ва унинг сифат кўрсаткичларини аниқлашни такомиллаштириш, нав тозалигини аниқлашда биокимёвий ва молекуляр маркерларнинг аҳамияти бўйича маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан олиб борилган илмий изланишлар таҳлиллари келтирилган. Мавзуга оид дунёда ва республикада бажарилаётган илмий ишлар ва уларнинг аҳамияти тўғрисида хулосалар баён этилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш жойи, шароити, объекти, ашёлари ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тажрибалар олиб борилган жой ва унинг тупроқ иқлим шароитлари, тадқиқот объекти, тадқиқот ўтказиш услублари баён этилган. Тадқиқотлар 2019-2022 йилларда лаборатория шароитида Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ва ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, дала шароитида Андижон ва Жиззах вилоятларидаги элита уруғчилик МЧЖ ҳамда уруғчилик хўжаликлари майдонларида олиб борилган.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг экиш сифатларини аниқлаш бўйича стандартларни такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш”** деб номланган учинчи бобида лаборатория шароитида уруғларнинг экиш сифатларини аниқлаш, уруғлик чигитнинг ифлосланганлиги, туксиз чигитларда тук қолдиғи, уруғлик чигитда тола қолдиғи, уруғлик чигитнинг куйганлиги ва қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг намлигини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг таҳлиллари асосида А иловаси қўшилганлиги келтирилган.

Ушбу бобнинг **“Уруғлик чигитнинг ифлосланганлигини аниқлаш”** деб номланган биринчи қисмида ғўзанинг С-6524, Ан-Боёвут-2 ва Андижон-36 навларида уруғлик чигитнинг ифлосланганлигини аниқлашнинг амалдаги стандарт таҳлили билан халқаро талаблар бўйича такомиллаштирилган таҳлиллар таққосланиб ўрганилган. Тадқиқотларда ғўзанинг С-6524 селекцион навида ифлосланиш даражаси иккита тортимда ўртача 0,47%, тўртта тортимда 0,45%ни ташкил этган. Биринчи тортимда ифлосланганлик даражаси 0,52%, иккинчи тортимда 0,42%, улар орасидаги тафовут эса 0,1%га, Ан-Боёвут-2

навида биринчи ва иккинчи тортимларда ифлосланганлик даражаси 0,40% ва 0,52%, улар ўртасидаги тафовут 0,12%, Андижон-36 навида бу кўрсаткичлар мос равишда 0,36% ва 0,46%, 0,1% га тенг бўлган. Ифлосланганлик даражаси тўртта тортимда аниқланганида С-6524 навида 0,42%, 0,48%, 0,44%, 0,46% ва улар орасидаги тафовут 0,02-0,06%, Ан-Боёвут-2 навида 0,42%, 0,48%, 0,46%, 0,50% ва 0,04-0,08%, Андижон-36 навида 0,36%, 0,40%, 0,42%, 0,44% ва 0,04-0,08% бўлган. Иккита тортим бўйича чиқиндини аниқлашда ўзаро катта тафовутларга эга бўлган намуналар учраганлиги сабабли таҳлилларни такроран ўтказиш талаб этилади. Шунга асосланиб, такомиллаштирилган стандартга тўртта тортим бўйича ифлосланиш даражасини аниқлаш тартиби киритилди ва тўртта тортимларда аниқланган ифлосланиш даражаси уруғ партиясининг умумий ифлосланганлигини белгилаб, фоизда ифодаланади. Ўтказилган таҳлиллар асосида уруғлик чигитнинг ифлосланиш даражасини аниқлаш бўйича ишчи намунадан 50 г уруғдан 4 тортим олиш белгиланди ва уларнинг ифлосланганлик даражаси аниқланади. Янги O'zDStra тўртта тортим бўйича ифлосланиш даражасини аниқлаш формуласи киритилиб, тўртта намуналар бўйича ифлосланиш даражасини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги маълумотлар А иловасига қўшилди.

Мазкур бобнинг **“Туксиз чигитларда тук қолдиғини аниқлаш”**га бағишланган иккинчи қисмида туксиз чигитларда тук қолдиғини аниқлаш бўйича таҳлиллар ўтказилганлиги баён этилиб, амалдаги стандарт бўйича тук қолдиғи 2 та тортимда 30 г дан ва намуналар орасидаги тафовутнинг 0,05% гача бўлишига рухсат берилган. Иккита тортим орасидаги фарқ С-6524 навида 0,07%, Ан-Боёвут-2 навида 0,07%, Андижон-36 навида эса 0,03% бўлганлиги сабабли қўшимча иккитадан такрорий намуналар таҳлил қилинган. Асосий ва такрорий тортимларнинг ўртача кўрсаткичи навлар бўйича 1,83%, 1,89% ва 1,97%га, тўртта тортим бўйича аниқланганида эса навлар бўйича 1,73%, 1,89% ва 1,98%га тенг бўлган. Тадқиқотлар натижалари асосида амалдаги иккита ва такомиллаштирилган тўртта тортимлар бўйича олиб борилган қиёсий таҳлилларда иккита тортимга нисбатан тўртта тортим бўйича таҳлиллар ўтказилганида натижаларнинг аниқлик даражаси юқори бўлиши исботланган. Шунинг учун амалдаги стандартга туксиз чигитлардаги тук қолдиғини аниқлашда ишчи намунадан 30 г дан тўртта тортимда ўтказиш ва тўртта тортимдаги аниқликнинг ўртача арифметик қиймати қўшимча таҳлилларсиз натижа сифатида олиниши киритилган.

Учинчи бобнинг **“Уруғлик чигитда тола қолдиғини аниқлаш”** қисмида амалдаги стандарт ва халқаро талаблар асосида амалга оширилган тадқиқотларда олинган натижалар ўртасида деярли фарқ кузатилмади. Халқаро бозорга чиқиш учун Уруғлик чигитда тола қолдиқдорлигини аниқлаш бўйича амалдаги стандартни халқаро талаблар асосида такомиллаштириш зарурияти вужудга келган. Шу сабабли амалдаги стандарт халқаро талаблар асосида такомиллаштирилган. Уруғлик чигитнинг тола қолдиқдорлигини аниқлаш бўйича амалдаги стандартни такомиллаштириш учун ишчи намунадан 10 г уруғдан иборат бўлган 4 та тортим танлаш белгиланди ва улар бўйича тола

қолдикдорлиги аниқланди. Такомиллаштирилган стандартнинг 8.2-бандига мувофиқ таҳлил натижаларининг ўртача арифметик қиймати 0,8% дан юқори бўлса, уруғлик партияси линтердан қайта ўтказилади. Яна тўртта тортим олиниб, улар бўйича таҳлил ўтказиш такрорланади. Тола қолдикдорлиги 0,8% га тенг бўлган уруғлик партияси экиш учун рухсат этилиб, 0,8% дан юқори бўлганлари чиқитга чиқарилади ва техник чигитга ўтказилиши белгилаб берилган.

Ушбу бобнинг тўртинчи **“Уруғлик чигитнинг куйганлигини аниқлаш”** қисмида ғўзанинг С-6524, Ан-Боёвут-2 ва Андижон-36 навларининг уруғлик чигитнинг куйганлигини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотларда ҳам иккита ва тўртта тортим орасида фарқ аниқланмади. Изланишларда уруғлик чигитнинг куйганлигини аниқлаш усули халқаро талабларга мос келиши учун амалдаги стандарт такомиллаштирилган ва ишчи намунадан 100 дона чигитдан иборат бўлган 4 та тортим бўйича таҳлил ўтказиш тавсия этилган.


Мазкур бобнинг бешинчи **“Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг намлигини аниқлаш”** қисмида қишлоқ хўжалик экинлари уруғларининг намлигини аниқлашда амалдаги бир босқичли усулда 5 г, такомиллаштирилган икки босқичли усулда 5 ва 20 г миқдорида соянинг Селекта-302, буғдойнинг Краснодар-99 ва маккажўхорининг Ўзбекистон-601 навларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг намлигини аниқлашнинг бир ва икки босқичли усуллар билан таҳлил қилиш мумкинлиги аниқланган. Уруғлар намлигини аниқлашнинг икки босқичли усули ўта ишончли таҳлил қилиш натижасини бериши исботланган.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг генетик ва навдорлигини ўрганиш”** деб номланган тўртинчи бобида ғўза ва буғдой уруғлик материалларининг генетик жиҳатдан нав тозалигини экспресс усулда, яъни полиакриламид гелида (ПААГ) оксилларнинг электрофорез усули билан аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Мазкур бобнинг биринчи **“Селекция ва уруғлик материалларининг генетик жиҳатдан нав тозалигини экспресс усулда аниқлаш”** қисмида селекция ва уруғчилик материалларини захира оксиллари асосида молекуляр маркерлардан фойдаланишнинг аҳамияти, истиқболлари ва долзарблиги келтирилган. Нав тозалиги лаборатория шароитида электрофорез усули орқали ғўза ва буғдой уруғларининг захира оксилларидан фойдаланилган ҳолда аниқланган.

Ушбу бобнинг **“Ќўза ва буғдой навларининг бир хиллигини полиакриламид гелида (ПААГ) оксилларнинг электрофорез усули билан аниқлаш”** деб номланган иккинчи қисмида Андижон-36 навининг чигитидаги сувда эрувчи захира оксилларни электрофорез услуби орқали аниқлаганда навнинг полиморфлиги ва учта биотиби борлиги кузатилган. Андижон-36 навининг оксил маркерлар гуруҳи *G.hirsutum* L. турига мансуб электрофоретик компонентлардан иборатлиги, ушбу компонентлар электрофоретик юривчанлигига кўра 0,10; 0,16; 0,27; 0,36; 0,45; ва 0,55, электрофореграмманинг умумий узунлиги 0,65 ни ташкил этганлиги аниқланган. Навнинг иккинчи биотибида электрофоретик юривчанлиги 0,45

бўлган компонентнинг мавжудлиги ва учинчи биотипида эса, электрофоретик юривчанлиги 0,55 бўлган компонентни йўқлиги биотиплар бир-биридан фарқ қилганлиги аниқланган. Андижон-36 навида биотипларнинг фоиз нисбати 96:2:2% ташкил этиб, 96% Андижон-36 нави бўлса 4% бошқа нав аралашмаларидан ташкил топганлиги аниқланган (1-расм).



1-расм Андижон-36 навининг электрофореграммаси


Бухоро-102 навининг нав тозалиги мономорф бўлиб, биотиплари аниқланмаган.

Полиакриламид гелида буғдой донининг захира глиадин оксилларини электрофоретик таҳлил қилиш натижасида уруғчилик материалларининг генетик тозалиги бўйича буғдойнинг Краснодар-99, Дўстлик, Пахлавон, Бардош ва Эъзоз навларида гомоген, Дурдона навининг гетероген эканлиги аниқланган.

Кузги юмшоқ буғдойнинг “Краснодар-99” нави уруғларининг захира глиадин оксилларининг электрофоретик спектри ўрганилганда навнинг умумий спектр ҳудудида жами 15 та компонентдан иборат бўлиб, спектрнинг α ҳудудида 1 та $\alpha 3$ мажор ва 2 та $\alpha 5$, $\alpha 6$ ўртача фаол, β ҳудудида $\beta 1$, $\beta 3$, $\beta 4$ ва $\beta 5$ компонентларининг барчаси мажор эканлиги аниқланган. Нав электрофоретик спектрининг γ ҳудудида $\gamma 1$ минор, $\gamma 3$ ўртача фаол ва $\gamma 4$, $\gamma 5$ компонентлари мажор, ω ҳудудида $\omega 4$, $\omega 7$, $\omega 8$ минор ва $\omega 5$ ўртача фаол жами 4 та компонент мавжудлиги кузатилган.

“Краснодар-99” навининг минор, ўртача фаол ва мажор компонентларининг фоиз нисбати 28:27:45 ни ташкил этиб, нав глиадин оксилларининг электрофоретик спектри бўйича гомогенлиги аниқланган. Таҳлил қилинаётган уруғларнинг ҳаммаси бир хил электрофоретик спектрга эга бўлган, бу эса уруғлик материалининг бир хиллигини кўрсатган. Кузги юмшоқ буғдойнинг Дурдона навининг умумий электрофоретик спектр ҳудудида 19 та компонент бўлиб, биотипнинг минор, ўртача фаол ва мажор компонентларининг фоиз нисбати 21:47:32 ни ташкил қилган. Дурдона навининг электрофоретик спектрида 5-6 Безостая-1 (назорат) навининг ЭФ спектри, 1, 3, 7, 8, 10, 12-16, 18, 20 биринчи фенотип ва 2, 4, 9, 11, 17, 19 иккинчи фенотип эканлиги аниқланган. Нав ва биотип спектрининг β ҳудудида жойлашган компонентлар бир хил, қолган учта α , γ ва ω ҳудудларида фарқлар мавжудлиги аниқланган. Навнинг α ҳудудида учрамаган $\alpha 1$ ўртача фаол ҳолдаги компоненти биотипда кузатилиб, γ ҳудудида $\gamma 1$, $\gamma 2$, $\gamma 3$ ва $\gamma 4$ компонентлари мажор ҳолда эканлиги электрофореграмма таҳлилларида

маълум бўлган. Биотипнинг ω ҳудудида ω_2 , ω_4 , ω_9 , ω_{10} каби компонентлар минор ҳолда, ω_3 ва ω_5 компонентлари эса ўртача фаолликка эга эканлиги аниқланган. ω ҳудудидаги нав ва унинг биотиби ўртасидаги фарқ ω_6 минор ва ω_7 ўртача фаол компонентларнинг биотипда учрамаслиги, аксинча “Дурдона” навида мавжуд бўлмаган ω_2 минор компонентининг кузатилиши улар орасидаги фарқлардан эканлиги келтириб ўтилган (2-расм).



2- расм. Дурдона нави уруғларининг глиадин оксиллари электрофореграммаси (чапда) схемаси (ўнгда)

“Дўстлик” нави глиадин оксилларининг электрофоретик спектри бўйича гомоген бўлиб, навнинг умумий спектр ҳудудида жами 18 та компонентдан ташкил топганлиги электрофореграмма таҳлил натижасида маълум бўлди. “Дўстлик” навининг α ҳудудида α_2 минор, α_3 , α_4 мажор ва α_6 , α_7 ўртача фаол компонентлардан ташкил топганлиги кузатилган. Нав электрофоретик спектрининг β ҳудудида β_1 , β_3 , β_4 ва β_5 компонентлар мажор ҳолда эканлиги аниқланган. Электрофоретик спектрнинг γ ҳудудида жойлашган γ_1 компоненти минор, γ_3 , γ_4 ва γ_5 компонентлари мажор ҳолатда бўлиши тадқиқот давомида маълум бўлган. Навнинг ω ҳудудида 5 та компонент мавжуд бўлиб, булар ω_2 , ω_3 , ω_8 , ω_9 каби минор ва ω_5 ўртача фаолликдаги компонентлари эканлиги аниқланган. “Дўстлик” навининг минор, ўртача фаол ва мажор компонентларининг фоиз нисбати 33:17:50 ни ташкил қилган.

Диссертациянинг бешинчи “**Уруғчилик хўжаликлариди ички уруғ назорати тизимини жорий этиш**” деб номланган бобида уруғчилик фермер хўжаликлариди ғўза бўйича дала текширувлари ва биометрик кузатувларни ташкил этиш ва ўтказиш, ғўзанинг I ва II йилги ҳамда уруғ кўпайтириш кўчатзорларидаги оилаларда ўсимликларнинг маҳсулдорлиги бўйича танлаш самарадорлиги ва уруғлик кузги буғдой навларининг биометрик кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Ушбу бобнинг “**Уруғчилик фермер хўжаликлариди ғўза бўйича дала текширувлари ва биометрик кузатувлар натижалари**” деб номланган биринчи қисмида 2019-2021 йилларда Андижон-36 нави бўйича Андижон вилояти Кўрғонтепа туманидаги “Оқсув”, Бухоро-102 нави бўйича Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги “Жавлонбек” ва Ан-Боёвут-2 нави бўйича Зафаробод туманидаги “Тоштемир-ота” элита уруғчилик фермер

хўжаликларининг биринчи йилги уруғлик кўчатзорида 1528 та, иккинчи йилги уруғлик кўчатзорида 403 та ва уруғ кўпайтириш кўчатзоридаги 250 та оилаларда тажрибалар олиб борилган. Элита уруғчилик хўжаликларида лаборатория ва дала шароитида уруғларнинг унувчанлиги аниқланган ҳамда уруғлик кўчатзорлари бўйича фенологик кузатувлар ва биометрик ўлчаш ишлари ҳар ойнинг бошида ўтказилган. I ва II йилги уруғлик ва уруғ кўпайтириш кўчатзорлари бўйича дала кўриклари уч марта, чин барг чиқариш, ёппасига гуллаш ва 1-2 та кўсак очилган даврларда ва бундан ташқари ғўза ўсимлигининг ҳар бир ривожланиш фазаларида кўз билан чамалаб кўриш орқали кузатувлар ўтказилган. Олиб борилган дала кўриклари натижасида уруғлик кўчатзорларидаги ўсимликларнинг кўчат сони, уларнинг ривожланиши, нотипиклиги, касаллик ва зараркундалар билан зарарланиши кузатилиб, бу кўрсаткичлар мавжуд бўлган оилалар чиқитга чиқарилган. Уруғлик пахта хом-ашёсининг ҳосилдорлиги 2019-2021-йиллар давомида Андижон-36 навининг биринчи йилги уруғлик кўчатзорида 0,5-1,0 ц/га, иккинчи йилги уруғлик кўчатзорида 2,2-3,0 ц/га ва уруғ кўпайтириш кўчатзорида 2,3-2,8 ц/га, мос равишда Ан-Боёвут-2 навида 0,3-0,5 ц/га, 1,0-1,2 ц/га ва 1,2-1,5 ц/га ҳамда Бухоро-102 навида эса 0,7-1,7 ц/га, 0,5-1,3 ц/га ва 0,7-2,0 ц/га гача ортиб борганлиги аниқланган. Тадқиқотлар бошланган 2019-йилда Андижон-36 навининг биринчи йилги уруғлик кўчатзоридаги 1528 та оиладаги 54113 дона ўсимликлардан 917 та оила (60,0%), 33967 та ўсимлик (62,8%) шундан чиқитга чиқарилган оилалардаги ўсимликлар 31225 та (57,7%), чиқитга чиқарилмаган оилалардаги ўсимликлар 2842 та (5,2%), мос ҳолда 2020-йилда 1528 та оиладаги 52617 дона ўсимликлардан 885 та (57,9%), 32875 та (62,5%), 30858 та (58,6%), 2017 та (3,9%), 2021-йилда 1528 та оиладаги 54625 дона ўсимликлардан 871 та (57,0%), 31039 та (56,8%), 28821 та (52,8%), 2230 та (4%) чиқитга чиқарилган.

Иккинчи йилги уруғлик кўчатзорида 2019-йилда 403 та оиланинг 107 таси (26,5%), 143319 ўсимликдан 38218 таси (26,7%), 2020-йилда 403 та оиладан 104 таси (25,8%), 147815 та ўсимликдан 40131 таси (27,1%), 2021-йилда 403 та оиладан 100 таси (24,8%), 146524 ўсимликдан 39167 таси (26,7%), уруғлик кўпайтириш кўчатзорида эса 2019-йилда 250 та оиладан 1 таси (0,4%), 64065 та ўсимлик, 2020-йилда 250 та оиладан 1 таси (0,4%), 62149 та ўсимлик, 2021-йилда 250 та оиладан 1 таси (0,4%), 55730 та ўсимлик чиқитга чиқарилган (1-жадвал).

Элита уруғчилик хўжаликларида амалга оширилган ички уруғ назорати тизимининг ижобий самарадорлиги натижасида тажрибаларда ўрганилган Ан-Боёвут-2 ва Бухоро-102 навларида ҳам 2019 йилга нисбатан 2021 йилга келиб оилалар ва ўсимликларнинг чиқитга чиқариш фоизи камайиб борганлиги кузатилган. Оилаларнинг чиқитга чиқарилиши Ан-Боёвут-2 навининг биринчи йилги уруғлик кўчатзорида 2,1-2,8%, иккинчи йилги уруғлик кўчатзорида 1,5-2,0%, Бухоро-102 навида эса мос ҳолда 1,3-6,5%, 1,1-5,8%га ижобий томонга ўзгарган. Барча кўчатзорлардаги ўсимликларнинг чиқитга чиқариш белгилари бўйича 2019-йилда олиб борилган тадбирларнинг талаб даражасида амалга оширилиши натижасида 2021-йилга келиб нав тозалигининг ортиб борганлиги қайд қилинган.

Андижон вилояти Кўргонтепа тумани “Оқсув” элита уруғчилик хўжалигида Андижон-36 нави бўйича дала кўриклари
 натижалари (2019-2021 йиллар)


Ўқитилган	Биринчи йилги уруғчилик кўчатлари				Иккинчи йилги уруғчилик кўчатлари				Уруғ кўпайтириш кўчатлари				
	Ўқитилган		Шундан		Ўқитилган		Шундан		Ўқитилган		Шундан		
	Оқитилган	Ўсимликлар жамини, донга	Чикитга чиқарилган оилалар	Чикитга чиқарилмаган оилалар	Оқитилган	Ўсимликлар жамини	Чикитга чиқарилган оилалар	Чикитга чиқарилмаган оилалар	Ўқитилган	%	Ўсимликлар жамини	Чикитга чиқарилган оилалар	Чикитга чиқарилмаган оилалар
	1528 оила, 54113 та ўсимлик, шундан				403 оила, 146524 та ўсимлик, шундан				250 оила, 52,1 минг/га кўчат, шундан				
